

8-1-2018

## ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF ECONOMIC SUSTAINABILITY (THE EXAMPLE OF PRACTISE OF INTERNATIONAL BANKS)

J. Atanlyazov

*Tashkent Financial institute*

E. Bozorov

*Tashkent Financial instiitute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Atanlyazov, J. and Bozorov, E. (2018) "ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF ECONOMIC SUSTAINABILITY (THE EXAMPLE OF PRACTISE OF INTERNATIONAL BANKS)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Атаниязов Ж.Х. – ТМИ, доцент, и.ф.д.  
Бозоров Э.О. – ТМИ, талаба

## ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Мақолада миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда тадбиркорликнинг ролини ошириш ва ҳозирги кунда кичик бизнес субъектларига берилган имкониятлар таҳлили аτροφлича кўриб чиқилган ҳамда бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, кичик бизнес, ялпи ички маҳсулот, экспорт, импорт, солиқ, кредит, саноат, қурилиш, савдо, бозор иқтисодиёти.

В данной статье рассматриваются тенденции повышения роли предпринимательства в обеспечении устойчивости национальной экономики, анализируются возможности, предоставленные субъектам малого бизнеса, предлагаются рекомендации по дальнейшему развитию данной сферы.

**Ключевые слова:** предпринимательство, малый бизнес, валовой внутренний продукт, экспорт, импорт, налог, кредит, промышленность, строительство, торговля, рыночная экономика.

The article deal with the role of entrepreneurship in ensuring the national economy, and the analysis of opportunities available to small businesses, as well as recommendations for further development the sector.

**Keywords:** Entrepreneurship, small business, gross domestic product, export, import, tax, credit, industry, construction, sales, market economy.

### Кириш

Ўзбекистон Республикасида бизнес соҳасининг ривожига мамлакат ўз мустақиллигига эга бўлган вақтдан бошлаб алоҳида аҳамият қаратилмоқда, боиси ушбу соҳани ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилади, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлик ошади, камбағаллик даражаси пасайиши ҳисобига аҳолининг ўртача катлами кўпаяди ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш”[1] муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини кўпайтириш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий жиҳатларини тадқиқ этишни тақозо этади.

### Тадқиқот методологияси

Маълумки, тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир. Классик

иқтисодчилардан Ж.Б.Сей тадбиркорларни ақлли ва уддабурон, ҳар ишда таваккал қилиб, ўз мақсадига эриша оладиган шахс сифатида таърифлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, А.Смит фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир[3, 4].

Ҳозирги кунда эса олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни ҳал этишнинг асосий йўли эса, ишловчининг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишини оширишдир.

Бозор муносабатлари меҳнат бозорида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз иш ўрнида турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган ходимларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди.

Бизнес ҳар қандай шароитга тез мослашувчан ва ўзгарувчан тенденцияларга тез жавоб бера оладиган, инновация ва новацияларни яратилишига ҳамда амалда қўлланилишига олиб келадиган, иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлган тармоқ саналади. Хорижий мамлакатларда кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсишни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Барча ривожланган давлатлар тажрибасидан бизнес соҳасининг нечоғлик муҳим тармоқ эканлигини кўришимиз мумкин[5].

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва фаол аҳоли қатламини кенгайтириш давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб турибди. 2017 йил 7 февралдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармонда бу соҳани ривожлантириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб берилган:

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари билан биргаликда ҳар ойда намунали, фаол тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда уларни қийнаётган муаммоларни эшитиш, қонуний фаолиятига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб бориш;


– тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бизнес юритиш шароитларини яхшилаш;

– тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ўрнини эгалламоқда. Агар мустақиллик давригача мамлакатда кичик бизнес амалда мавжуд бўлмаган бўлса, ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизидан зиёди кичик бизнес соҳасида шаклланимоқда. Бугун умумий хўжалик юритувчи субъектлар умумий сонининг 90 фоиздан зиёди кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ушбу соҳа бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади. Айнан ана шу одамлар ўз бизнесини ривожлантириш ва кучайтиришдан, шу аснода иқтисодийтимиз барқарорлигини таъминлашдан энг кўп манфаатдор бўладилар.



**1-расм. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши динамикаси.[6]**

Ўтган йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда (1-расм). Хусусан, 2017 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғи 53,3 фоизни ташкил этган ҳолда олдинги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,6 фоизли пунктга камайган. Мазкур ҳолат, жами ЯИМ ҳажмининг олдинги йилга нисбатан сезиларли даражада ошиши натижасида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини олдинги йилдагига нисбатан пастроқ кўрсаткичга тенг бўлганлиги билан изоҳланади.

Олиб борилаётган бундай изчил ислохотлар иқтисодийда банд бўлган аҳоли сонининг ошишига таъсир қилмасдан қолмади.

Республикаимизда 2000 йилда иқтисодийда банд бўлган аҳоли 8924 мингтани ташкил этган бўлса, унинг 50,1 фоизи кичик бизнес соҳасида ишлаётганларга тўғри келган. 2017 йилда эса, бу кўрсаткич 78,3 фоизни ташкил этди. Кичик бизнеснинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 10 587,7 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 92,1 фоизини ташкил қилди.

Республикаимизнинг иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2017 йилда саноатда 39,6 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизни, қурилишда 65,1 фоизни, чакана савдода 88,4 фоизни ва пуллик хизматларда 58,4 фоизни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан таркибий ўзгаришлар содир бўлди.

Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электр техника ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

Кичик корхоналарнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улушининг ўсишини таъминлаш ички истеъмол бозорини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига замин яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг турмуш фаровонлиги даражасини юксалтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бу борада 2015 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари муҳим аҳамият касб этади.[2]

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу МДҲ мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган – Жини индекси мамлакатимизда 1991 йилдаги 0,400 ўрнига 2017 йилда 0,269 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Бу натижа, БМТ тавсияларига биноан, 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) 54811 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 43562 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 79,5 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 21,0 фоизи), саноат (27,0 фоизи), қурилиш (10,0 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (13,0 фоизи), бошқа соҳаларга (29,0 фоизи) тўғри келади.

2018 йил 1 январь ҳолатига вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 16005 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил 1 январь ҳолатига қараганда 14,5 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 5597 таси (35,0 фоизи) Самарқанд шаҳрига, 1557 таси (9,7 фоизи) Ургут, 1133 таси (7,1 фоизи)

Пастдарғом ҳамда 1120 таси (7,0 фоизи) Самарқанд туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

– 10587,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,3 фоизи);

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 57095,6 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 39,6 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 102,1 фоизни ташкил қилди;

– 19407,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 95,5 фоизга ўсди;

– 22173,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,1 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 3,2 фоизга кўпайди;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 5,3 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 77,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 94,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4 фоизи ёки 93508,0 млрд. сўми (ўсиш 1,1 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 58,4 фоизи ёки 68161,9 млрд. сўми (ўсиш -0,1 фоиз) шакллантирилди;


– 3763,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,0 фоизи) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

2018 йил 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотлар Ягона давлат реестрида фаолият юритаётган корхона ва микрофирмалар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 229,7 минг бирликни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,1 мингтага ортди ва янги иш ўринлари ташкил этилишига ижобий таъсир этди. Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (22,8%), Тошкент (9,4%), Андижон (8,9%), Фарғона (8,8%) ва Самарқанд (7,0%) вилоятларига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, паст кўрсаткичлар Сирдарё (3,3%), Навоий (3,3%), Жиззах (4,1%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (4,6%) қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг юқори улуши қишлоқ хўжалиги – 99,0%, йўловчи ташиш айланмаси – 94,8%, савдо – 88,4% ва юк ташиш айланмасига – 77,9% тўғри келди. Юқоридаги 2-расмдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилда иқтисодиёт тармоқлари таркибида кичик тадбиркорликнинг улуши қишлоқ хўжалигида 2016 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга ошган. Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалиги тармоғида кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириш, улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли тайёр маҳсулотлар




ишлаб чиқаришга қаратилган чора-тадбирларнинг фаоллашганлиги билан изоҳланади.



**2-расм. Иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши (%)да [7]**

2017 йилда кичик тадбиркорликнинг республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 39,6%ни ташкил этди (2016 йилда 45,3%). 2017 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 65,1%ни ташкил этди (2016 йилда 66,9%). 2017 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари савдо айланмасининг республика савдо айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 88,4%ни ташкил этди.

2017 йилда барча вилоятларда товар айланмаси республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлди. Республика савдо айланмасида яқка тартибдаги тадбиркорлик улуши 65,7%ни, кичик корхона ва микрофирмалар улуши 23,2%ни ташкил этди.



**3-расм. Экспорт ва импорт умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўсиш динамикаси (%)да [7]**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика умумий экспорт ҳажмидаги улуши 27%ни ташкил этди (2016 йилда 26%). Экспорт қилинаётган маҳсулотлар йиллик динамикаси барқарор сақланди: I чорақда – 28,1%, II чорақда – 27,7%, III чорақда – 25,8%. Импорт ҳажми бўйича эса йил давомида бироз камайиш тенденцияси кузатилди: I чорақда – 51,8%, II чорақда – 48,5%, III чорақда – 48,9%. Мамлакатимизда экспортни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг фаоллаштирилиши натижасида кичик тадбиркорликнинг экспортдаги улуши 2017 йилда 27 фоизни ташкил этган ҳолда 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизли пунктга ошган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мамлакатимизда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатларининг тубдан ўзгариши, мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган иқтисодий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилиши миллий иқтисодиёт тармоқларининг барқарор суръатларда ўсишида ва аҳоли бандлиги даражасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва кенгайишининг асосий шартларидан бири малакали тадбиркор кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур ҳолат, кичик бизнес субъектлари фаолиятида инновацияларни кенг жорий этишни фаоллаштиришга ва юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, пировардида улар фаолиятининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

– тижорат банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, айниқса деҳқон ва фермер хўжаликларни, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи тадбиркорларни халқаро кредитлашда кредит миқдоридан чекловларни ҳамда кредитнинг фоиз ставкасини камайтириш.

– мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес муҳити яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш.

– саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш.

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш.



– бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнес ва уни молиялаштириш юзасидан тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва самарали бўлган усулларни миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015 й., 20-сон, 251-модда; 2017 й., 18-сон, 310-модда, 22-сон, 411-модда, 37-сон, 980-модда.
3. Болтабаев М, Қосимова М. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” 2011 йил. Иқтисод. 126-154 б.
4. Турсунов И., Қурбонов А., Маматов Ф. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари”. Монография “Ворис нашриёт”, Тошкент – 2012. 122 б.
5. V.Barkhatov, D.Pletnev, A.Campa. Factors and Barriers for Small Businesses: Comparative Analysis. Procedia - Social and Behavioral Sciences. Volume 221, 7 June 2016, Pages 29-38.
6. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. 2012-2017 йиллар.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)).
8. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. 2012-2017-йиллар.